

Тошкент Ислом институти талабаси 30 пора Қуръони Каримни бир кунда, бир ўтиришда ёддан ўқиб берди



18:01 / 23.12.2022 3616

Тошкент Ислом институти 1-босқич талабаси Амина Хўжаёр 30 пора Қуръони Каримни бир кунда, бир ўтиришда ёддан ўқиб берди.

Амина Хўжаёрнинг Қуръони Каримни ўқиш жараёнини Таҳфизул Қуръон кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Неъматов, ўқитувчилар Зафар қори Маҳмудов, Жаҳонгир қори Рўзиев, Робия Нажмиддинова ҳамда талабалар кузатиб бордилар.

Хатм якунида Таҳфизул Қуръон кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Неъматов Олий Маъҳадда анъанага айланаётган ушбу тадбирнинг аҳамияти тўғрисида маълумот берди.

Талаба Амина Хўжаёр ҳамда уларнинг устозларига ТИИ ректори Уйғун домла Ғафуров ташаккурлар билдириб, мана шундай етук қорияларни

етиштириб чиқаришда ғайрат ва шижоат тилади. Бир кунда хатм қилиш “эстафетасида” аёл-қиз талабаларнинг ҳам ордда қолмаётгани қувонарли албатта. Улар ҳам илм йўлида ўз шижоатларини намойиш этмоқдалар, бу эса юртимиздаги Қуръон ўрганмоқчи бўлаётган аёл-қизларга ўзига хос мотивация беради.

Бир кунда хатм қилган қория талабага ректор Уйғун домла Ғафуров ноутбукни ҳадя сифатида топширди.

Шунингдек, “VIP brand” кийим дўкони томонидан Қуръон ходималарини тақдирлаш мақсадида тақдим қилинган ваучер Амина Хўжаёрга топширилди. Қория ҳамда ота-онаси мазкур дўкон филиалларига исталган вақтда ташриф буюриб, ўзларига мос кийимларни танлаб олишлари мумкин бўлади. Чунки фарзандларни қори бўлиб етишишида устозлар билан бир қаторда ота-оналарнинг ихлоси ва ҳиммати биринчи ўринда туради. Албатта, қорияларнинг ота-оналар ҳам мукофотларга энг лойиқ инсонлардир.

Таҳфизул Қуръон кафедраси қори устозларининг тинимсиз меҳнатлари эвазига Тошкент ислом институтида Қуръони Каримни бир кунда тўлиқ ўқиб бериш анъанага айланди. Айна пайтгача Қуръони Каримни бир кунда ўқиб берган қори талабалар сони 31 нафарга етди.

Эслатиб ўтамиз, 2014 йилда Тошкент Ислам институти тарихида илк бор Ихтиёр қори Абдурахманов Қуръони Каримни бир кунда, бир ўтиришда тўлиқ ўқиб берган эди. Шунингдек, Илҳом қори Ғофуров, Адҳам қори Отахонов, Фатхуллоҳ қори Дадаев, Аҳмадуллоҳ қори Ғофуржанов, Ҳикматуллоҳ қори Рўзалиев, Сардорбек қори Жиямуратов, Сирожиддин қори Шодмонов, Азимжон қори Мадаминжонов, Илёсбек қори Шарофиддинов, Нуриллоҳ қори Сайдуллаев, Оятуллоҳ қори Абдуқодиров, Абдуллоҳ қори Комилов, Саидбурхон қори Фазлиддинов, Абдулхай қори Жўрақулов, Аҳлиддин қори Қурбонов ва Нурисломхўжа қори Умбаров, Убайдуллоҳ қори Ҳабибуллаев, Баҳодир қори Иброҳимов, Машрабжон қори Абдураззоқхўжаев, Фозил қори Ақромов, Сайдуллоҳ қори Солижонов ва Сирожиддин қори Жалилов Қуръони каримни ёддан тўлиқ ўқиб, устозлар кўригидан ўтказиб олган эди.

Аёл-қизлардан Робия Нажмиддинова, Гулруҳ Кенжабек қизи, Мираҳмадова Хуснора, Маҳаматханова Мухлиса, Қурбанова Хадича ва Абдуллаева Фотима ҳам Аллоҳнинг каломини юқоридаги услубда ўқиб берган эди.

Маълумот: Қуръони каримда 114 та сура, 6236 та оят ва тахминан 1015030 нуқта, белги, 323670 ҳарф ва 77934 та сўз бор. Қуръон саҳифаланишига кўра 30 пора (жуз, қисм)дан иборат бўлиб, мусҳафнинг ҳар 10 вароғи бир пора ҳисобланади.

Таҳфизул Қуръон кафедраси ўқитувчиси

Зафар қори Маҳмудов